ЎЗБЕКИСТОНДА ФАОЛИЯТ ЮРИТАЁТГАН КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИНГ ЖАМИЯТ ҲАЁТИДАГИ ЎРНИ

М.Н.Юсупова

Мақолада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ижтимоий ҳаётда тутган ўрни Андижон вилояти материаллари асосида ёритиб берилган.

***Калит сўзлар**: кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик, миллий ҳунармандчилик, бандлик муаммоси.*

В статье освещены роль и место субъектов малого бизнеса и частного предпринимательства в общественной жизни по материалам Андижанской области.

***Ключевые слова**: малый бизнес, частное предпринимательство, национальное ремесленничество, проблема занятости.*

The article discusses the role and the place of of small business and private proprietorship in the social life in matters of Andijon region.

***Key words**: small business, private proprietorship, national craftsmanship, problems of business.*

Ўзбекистон Республикаси мустақиллика эришгандан сўнг, жамият ҳаётида, айниқса, мулкчилик муносабатларида қатор ўзгаришлар амалга оширилди. Хусусан, кўп укладли иқтисодиёт амалда шаклланиб, унинг таркибида хусусий мулк устивор тарзда ривожланди. Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик давлат ва жамиятимиз ривожида алоҳида ўрин эгаллади. Бугунги кунда биз бу соҳани ривожлантирмай туриб иқтисодиётимизнинг келажагини таъминлай олмаймиз. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси ички бозоримизни рақобатдош ва сифатли маҳсулотлар билан тўлдиришда, аҳолини иш билан таъминлаш ва шу аснода уларнинг муносиб даромад топиши, фаровонлигининг ўсиб боришида энг асосий омиллардан бири ҳисобланиб, жамиятимизнинг ижтимоий-сиёсий таянч ва пойдевори бўлган мулкдорлар синфининг, яъни ўрта синфнинг шаклланиши ва мустаҳкамланишини таъминлайди. Шунингдек, бу соҳа ҳозирда жамиятимиздаги ижтимоий-сиёсий барқарорликнинг кафолати ва таянчига, юртимизни тараққиёт йў-

лидан фаол ҳаракатлантирадиган кучга айланиб бормоқда. Кичик бизнес соҳасининг иқтисодиётдаги аҳамияти унинг иқтисодиётда рақобат муҳитини таъминлаш, йирик корхоналар учун маҳсулот ва хизматлар етказиб бериш, янги иш ўринларини яратиш ва иккиламчи бандликни таъминлаш, бозор тизимининг мослашувчанлигини ошириш, илмий-техника тараққиётини жадаллаштириш, ресурсларни ишлаб чиқаришга сафарбар этиш, солиқ тушумлари ҳажмининг ўсишини таъминлаш, аҳоли даромадлари даражасини барқарорлаштириш каби омиллар билан белгиланади. Мустақилликнинг илк йилларидан бошлаб тадбиркорлик ва кичик бизнес субъектларига кенг йўл ва имкониятларнинг очилиши, иқтисодиётнинг, шу билан бирга жамият ҳаётининг жадал ривожланишида муҳим омилларидан бирига айланди. Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А.Каримов ”Иқтисодиётни ислоҳ қилиш жараёнлари мустаҳкам ҳуқуқий негизга асослангандагина, улар барқарор ва собитқадам бўлади” [1] деб таъкидлаган эди. Тадбиркорликнинг ҳуқуқий асоси сифатида 1991 йил 15 февралда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик тўғрисида”ги Қонуни алоҳида аҳамиятга эга бўлди. Ушбу қонунда тадбиркорлик билан боғлиқ барча муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишга оид қоидалар – тадбиркорликни ташкил этиш, унинг амал қилиши ва ривожланишининг ҳуқуқий асослари, тадбиркорлик тўғрисидаги умумий ва асосий қоидалар баён қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев 2016 йил 5 октябрь куни ”Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар тамонлама ҳимоя қилишга ва механизмларини янада мустаҳкамлаш тадбиркорликни ривожлантириш йўлидаги бюрократик тўсиқларни бартараф этиш, республикада инвестиция ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатдан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонни [2] имзолади. Мазкур Фармон кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг жадал ривожланишини таъминлаш, хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва унинг дахлсизлиги кафолатларининг ҳуқуқий асослари ва ишбилармонлик муҳитини яхшилашга қаратилган. Жумладан, ”Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг эркинлик бериш, уларнинг фаолиятига давлат органларининг аралашувини тубдан қисқартириш, ҳуқуқбузарликнинг барвақт олди олинишини таъминлаш, уларнинг профилактикаси самарадорлигини ошириш ва ҳуқуқбузарликларга йўл қўймаслик тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантириш соҳасида давлат сиёсатининг муҳим устивор йўналиши, давлат органларининг биринчи даражали вазифаси этиб белгиланди. Шунингдек, 2017 йилнинг 1 январидан бошлаб тадбиркорлик субъектларини режадан ташқари текширишнинг барча турлари бекор қилинди. Ушбу фармон эълон қилингандан икки ой ўтиб 2016 йил 7 декабрда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кунининг 24 йиллиги муносабати билан мамлакатимиз Президенти Ш.М.Мирзиёев “Қонун устиворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови” мавзусида маъруза қилди. Маърузада “Аҳолини иш билан таъминлаш биз учун нафақат иқтисодий, айни пайтда катта ижтимоий аҳамиятга эгадир” [3] деб таъкидланди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ижтимоий соҳадаги хизматларидан бири аҳолини иш билан бандлик даражасини оширишдир. Ўз навбатида у мазкур вазифани икки асосий йўл билан бажариши мумкин: янги иш ўринларини барпо этиш ва вақтинча бўш қолган ёхуд иш билан қисман банд бўлган аҳолини ишга жалб этиш ёки, бошқача айтганда, иккиламчи бандликни таъминлаш. Кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш эса айнан иш билан бандлилик масаласини ижобий ҳал қилувчи омилга айланмоқда.

Андижон вилоятида бугунги кунда 21 мингга яқин кичик бизнес субъектлари фаолият юритмоқда, уларнинг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улуши 59 фоиздан зиёдроқ бўлиб, меҳнат билан банд аҳолининг 84 фоизи ушбу соҳада фаолият олиб бормоқда. Туманлардан биргина Жалалқудуқ туманини олиб кўрсак, 2017 йил 1 январь ҳолатига унда 801 та кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлар фаолият олиб бормоқда. Туманда доимий аҳоли сони 176,5 минг киши бўлса, шундан 2016 йил январь-декабрь ҳолатига кўра меҳнатга лаёқатли аҳолининг ўртача сони 102,1 минг кишини ташкил қилади. Шундан, 2016 йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари меҳнатга яроқли аҳолининг 87,4 фоизини банд қилганини кўришимиз мумкин. Бундай кўрсаткичларга эришиш, албатта, давлатимиз томонидан берилаётган имкониятларнинг самараси эканлигига ишонч ҳосил қиламиз.

Қадимда Андижонни ҳунармандлар шаҳри деб аташган. Чунки азал-азалдан боболаримиз, момоларимиз ҳунармандчилик, касаначилик билан шуғулланиб келишган. Шаҳрихон шаҳри куёв тўнлари, пичоқлари билан донг таратган бўлса, Марҳамат тумани тўқимачилик билан, Андижон шаҳри аёл-қизлари дўппи, чорси тикиш билан машғул бўлганлар. Давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган

Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги мамлакатимизни янада ривожлантириш бўйича белгилаб берилган энг муҳим вазифалар замирида ҳам, аввало, инсон ва унинг манфаатлари устиворлигини кафолатлашдек олижаноб мақсад ўз ифодасини топган. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан 2017 йил – “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” деб эълон қилиниши замирида ҳам барча соҳада инсонпарвар демократик тамойиллар устиворлигини мустаҳкамлаш, инсон шаънини улуғлаш масаласи турибди. Аҳоли билан доимий мулоқот қилиш, уларни қийнаётган муаммоларни ҳал этишнинг янги механизмлари ва самарали усулларини жорий қилиш лозимлигига алоҳида урғу бериб, жумладан, шундай деди: “...одамларнинг дардини эшитиш, улар билан очиқ мулоқотда бўлиш, оғирини енгил қилиш – аҳолининг давлат ва жамиятга ишончини мустаҳкамлашга хизмат қилади” [4]. Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари тушунчалари шунчалик ўзаро боғланиб кетганки, уларни бир-биридан айри ҳолда тасаввур этиб бўлмайди. Чунки одамлар билан очиқ мулоқот асносида уларнинг аҳволи, ижтимоий шароити ҳақида тасаввурга эга бўласиз, шу боис мамлакатимизда давлат органларининг халқ билан юзма-юз мулоқот қилиши, уларга ҳисобот беришининг такомиллашган тизими йўлга қўйилаяпти. Энг асосийси, аҳолига муносиб турмуш шароити яратиш, ҳаёт даражасини юксалтириш пайидан бўлинаётир. Табиийки, бунда иқтисодиётнинг барқарор ривожланиб бораётгани муҳим аҳамият касб этмоқда.

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари.- Т.: Ўзбекистон, 1997.- 200 б.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони. // Халқ сўзи.- 2016.- 6 октябрь

3. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. // Халқ сўзи.- 2016.- 8 декабрь.

4. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. // Халқ сўзи.- 2016.- 15 декабрь.

Андижон давлат университети,
2017 йил 16 февралда қабул қилинган
(Тақризчи: доц. Ш.Зокиров)